
“Ўзкимёсаноат” АЖ тизимида инвестицияларни ўзлаштириш ва янги лойиҳаларни ишга тушириш бўйича натижалар

// 04.11.2026
https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-tizimida-investiciyalarni-uzlashtirish-va-



Жорий йилнинг 9 ойи давомида “Ўзкимёсаноат” АЖ тизимида Инвестиция дастури доирасида жами 497,1 млн долларлик инвестициялар ўзлаштирилди.

Бу белгиланган режага нисбатан 102 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103 фоиз ўсишга эришилди.



Ўзлаштирилган инвестицияларнинг:

- **425,1 млн доллари** — тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар;
- **11,3 млн доллари** — давлат кафолати остидаги хорижий;
- **60,7 млн доллари** — корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

Шунингдек, жорий йилнинг 9 ойи давомида умумий қиймати **68,7 млн долларлик 4 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилди.**

Ушбу лойиҳалар натижасида **177 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари яратилди ҳамда 187 та янги иш ўрни ташкил этилди.**



Мазкур натижалар кимё саноатида инвестициявий фаолликни ошириш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва соҳада

бандликни таъминлашга хизмат қилмоқда.